

Энди одамларга китоб олмок, китоб олдириш мушкул бўлаётир. Муайян тоифага иктисадий ахвол етарли йўл бермаётган бўлса, баъзилар китоб дунё саодатига элтувчи восита эканини тушингиси йўк... Мутолаадан узоклашув сабабларининг барчасини аникламок, улардан сакланмок, адаштирувчи китоблардан асрарномок, шу тариқа тўгри китобхонликка, ялпи ва кизгин китобсеварликка эришмок миллат равнакининг жуда муҳим шартидир. Таназзулга bogча ёки мактаб, оила ёки муҳит, видео ёки телевизор, таргибот ёки адабиётнинг ўзи сабабкор деб, муаммони кайсириж жабхага агдариш билан хам иш битмайди. Бу борада уларнинг хар бирида миллий-маърифий ислохот ва тузатиш эҳтиёжи мавжуд. Истаймизми-йукми, янгича, баркамол, замонавий бадиий намуналар - нафосат туйгусининг доимий хаётий такозоси. Истаймизми-йўкми, ходиса даражасига кўтарила борадиган ижодлари, асарлари камчил адабиётда ўртамиёначилик авж олади. Бир текис тавсия хам дидни ўстиришга халал бериши мумкин. Саралаб ўкишдек заковатга хос макбул одат бор. Мутолаа машкини теран эгаллаганларда эса саралаб ўкиш бўйича маслаҳатга унчалик эҳтиёж йўк. Улар замонавий адабиётдан «илинж» тополмаган кезлари классикани такрор ўкийверишиди.

Нукул саёз адабиётга ошно бўлишлик бора-бора иштиёкни совутади. Сўз санъатидан, у ҳақдаги окилона карашлардан йироклик эса уни менсимасликка олиб келади. Хаттоки, ёшларнинг бузилишига, адашишига туртки бўладиган романлар, киссалар, хикоялар, китоблар борлигидан кўз юмиб бўладими? Йўк! Мустабид тузум даврида улар «жахон адабиёти» никоби остида, яхши сўз санъати намуналари пинжида жамиятимизга «ташриф буюрган». Эндиликда уларнинг сон-саногига этиб бўлмай колди.

Номашхурларини кўя турайлик, ёстиқдай «Декамерон»нинг шахвоният тасвири ундағи хар кандай «классик» ахамиятни чилпарчин килади. Ноширларимизнинг шухрат ва маблаг илинжида бир талай ножӯя китобларни чоп этиб юборгандарни сир эмас. Исломий иймон-эътиқод, мўъминлик, мусулмонлик, колаверса, ўзбекона миллий гурур нуктаи назаридан бундай асарларга муносабатни чукур ўйлаб белгилаш керак.

Юксак маънавият, баркамол маърифийлик максади, мустакил ватанимизда улугвор сиёsat даражасига кўтарила ва давлат тарафидан кўллаб-куватланса-ю, кайсириж зиёкор масканлар бу эзгу интилишга халакит берувчи нокисликлардан тийилмаса, тўгри бўладими? Демак, гап шунчаки китобхонлик тўгрисидагина эмас, мутолаа маданияти, унинг ички моҳияти атрофида бўлиши хам зарур.

«Ишонч» газетасининг китобхонлик борасидаги долзарб бахсида жиддий, асосли фикр-мулоҳазалари билан катнашган профессор Норбой Худойберганов масалани ўкиш, ўқитиш, хатто укиш тарзидагина эмас, «... идрок этилган билимларни хаётга, амалиётга тадбик этиб, улардан баракали мевалар ундириш ва тараккиётни таъминлаш («Ишонч», 1997 йилнинг 12 апрель,) кабилида кўядики, бу багоят муҳимдир. Шунингдек, «мутолаа сабоклари хакида гапирганда, факт бадиий адабиётлар тўгрисида эмас, умуман китобхонлик хакида фикр юритган маъкул» лигини таъкидлайди Норбой Худойберганов.

Ха, бахсда масалани хоҳ бадиий адабиёт, хоҳ умуман китобхонлик нуктаи назаридан кузатмайлик, гап нималарга, канчалик, нечоглик таяниш мумкинлигига, алхосил, кандай натижаларни кўзламокдадир.

Шундай экан, мутолаа санъатининг азалий ибратли жихатларини, ўзига хос мезон ва тамойилларини эсдан чикармаслик фойдалидир. Айникса, оиласи мутолааси кучли бўлмиш кадим шарк халкларида китоб танлаш, саралаш, улардан тарбияда баҳрамандлик

назокатли кечган. Оила – ижодкорлар учун хам асарларнинг киммати белгиланадиган имтихонлардан бири бўлган. Давримиз насрода Абдулла Кодирийнинг икки тарихий рамани ана шундай нафис мажлисларга дадил кириб бора олган. Вахоланки, хар кандайин асарни жамоат бўлиб (алоҳида холда хам) такрор-такрор ўғиб бўлавермаслиги аён.

Асрлар бўйи энг буюк мўъжиза - Куръони Карим, хадиси шарифнинг тахсили оиласлар аъмоли ва маънавий муддаоси бўлиб келгани, саодатли самаралар бергани сир эмас. Халк оғзаки ижоди, бадиий дидактик асарлар, «Алпомиш», «Гўрўгли», «Тохир ва Зухра», «Шоҳсанам ва гариб», «Чор дарвеш» каби достонлар оиласлар давралар имтихонидан баралла ўтиб келган. Айни чокда яссавийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик сингари забардаст тушунчалар оила маънавиятини асло тарк этмаган.

Бу фикрлардан Яна бир ишорат шундаки, талай яхши истеъдод сохибларида, адабиёт яратиши мумкинлиги кутиладиган ижодкорлар асарларида хам хануз умуминсоний бадиият конунларини, мезонларини етарли идрок этмаслик, мухимни номухимдан етарли фарклай олмаслик сезилади. Бўш, саёз, ўртамиёна асарларнинг кўпайиши мутолаачилар дидини пасайтириб юборади. Кўпларда иштиёкни сўндиради. Хом китоблар адабиёт эмас, бирок шуни адабиёт тушуниб, сўз санъатини менсимаслар пайдо бўлиши турган гап.

Дарҳакикат, истеъдодсизлар томонидан ёзилган, меҳнати юзаки бўлган китоблар, кўшикчиликни ўзига «сотиб олаётган» хашаки, сийка, бехаё шеърлар хеч качон сўз санъати бўла олмайди. Адабиёт олами талаби бизнинг иродамизсиз хам вакти келиб уларни ўз тарихий йўлидан иткитиб ташлайди. Демакки, гап кўпинча оммавий, оиласлар мутолаага, умуман яйраб-завкланиб ўкиш эҳтиёжига муносиб замонавий асарларнинг нихоятда камлигига хамдир.

Бадиий адабиёт мутолаасининг сустлашиб кетишига сабабкор яна бир муаммолар туркуми - маорифимизда бу соҳанинг ўқитилиш жараёнига бориб такалади. Мустакил мамлакат бўлиб, шунча йилдан бери истиклол имкониятлари ичida яшаётганимизга карамай, маориф маъмурчиликлари мактаб, bogcha, олий ўкув юртлари фанлар тизими ва уларни ўқитиш меъёрини янада тўгри белгилашни ўйлаб кўрмайдилар. Жаҳоннинг катор ривожланган мамлакатларида мактабдан кейинги барча ўкув юртларида Ватан тарихи, она тили, бинобарин, адабиётини ўрганиш давом эттирилади. Мактабларда ва филологик тизимдаги ўкув йуналишларида адабиётга оид фанлар соатларини кўриб чикиб, максадга тўла мувофиқлаштириш зарур. Ватан адабиёти тарихини республиканинг барча нофилологик ва бошка тилда ўқитиладиган факультетларида хам маълум даражада ўрганишни жорий этиш хайрлиdir.

Хуллас, китобга муносабат турли замонларда турлича бўлгани сингари унинг муаммоларини хам даврнинг ўзи юзага чикаради. Бугунги куннинг бу жабхаси вазифаларини окилона бажармок хам шу давр ахли зиммасида. Масала бевосита наслимиз камолотига дахлдорлиги туфайли локайдликка, харакатсизликка йўл кўйиб бўлмайди. Шу маъноларда «Ишонч»нинг бахси бежиз эмас. Хукумат ва Президентнинг маънавият-маърифатга жиддий эътибори муаммолар кошида жимжитликнинг хукм суришидан кутилишга чакириши, умуман, китобхонликнинг аллакачон сезилиб колган муаммосига газета ташабbusи хамоҳанг. Албатта, китобхонлик, бадиий адабиёт мутолааси билан bogлик бошка оғрик нукталар, вазифалар яна борлигига шубха йўк. Аммо бахсларда англанаётган етакчи гоя-хулосаларнинг Хзиёк оммавий китобсеварлик сари харакатнинг миллатда юксак маданият, юксак санъат даражасига кўтарилимогини

орзуламокнинг ўзи шарафли ва шарофатлидир.

«Ишонч» газетаси, 1997 йил, 7 июнь